

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УНИВЕРСИТЕТЕ  
МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ МИД РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**  

---

**ИНСТИТУТ ПРОБЛЕМ РЫНКА РОССИЙСКОЙ АКАДЕМИИ НАУК  
УНИВЕРСИТЕТ МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ**

**ЗИЯДУЛЛАЕВ УЛУГБЕК САИДКАРИМОВИЧ**

**ИМПЕРАТИВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ  
БЕЗОПАСНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПРИ ИНТЕГРАЦИИ В  
МИРОВОЙ РЫНОК КАПИТАЛА**

**08.00.09 – Мировая экономика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ  
ДИССЕРТАЦИИ (DSc) ПО ЭКОНОМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)  
по экономическим наукам**

**Content of the Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc)  
in Economics**

**Зиёдуллаев Улуғбек Саидкаримович**

Жаҳон капитал бозорига интеграциялашув жараёнида Ўзбекистон

Республикасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш

императивлари ..... 3

**Зиядуллаев Улуғбек Саидкаримович**

Императивы обеспечения экономической безопасности Республики

Узбекистан при интеграции в мировой рынок капитала..... 31

**Ziyadullaev Ulugbek Saidkarimovich**

Imperatives of Ensuring the Economic Security of the Republic of

Uzbekistan in the Process of Integration into the World Capital Market ...57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published scientific works ..... 61

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РОССИЯ ФА БОЗОР МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗИЁДУЛЛАЕВ УЛУҒБЕК САИДКАРИМОВИЧ**

**ЖАҲОН КАПИТАЛ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНИДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАШ ИМПЕРАТИВЛАРИ**

**08.00.09 – Жаҳон иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc/Iqt287 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Россия Фанлар академияси Бозор муаммолари институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uwed.uz](http://www.uwed.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Исламов Баҳтиёр Анварович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Гринберг Руслан Семёнович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, РФА мухбир аъзоси

**Расулов Тўлқин Саттарович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Шарифходжаев Шавкат Оқилович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **М.В.Ломоносов Москва давлат университети қошидаги Москва иқтисодиёт мактаби**

Диссертация химояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети хузуридаги DSc DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил:100192, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54-уй. Тел.: (+998 71) 267-67-69; e-mail: [rektorat@uwed.uz](mailto:rektorat@uwed.uz).

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100192, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54-уй. Тел.: (+998 71) 267-67-69; e-mail: [rektorat@uwed.uz](mailto:rektorat@uwed.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.А.Хамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
ю.ф.д., профессор

**О.А.Юсупджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, ю.ф.н.

**А.А. Исаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви ва рақамли иқтисодиётнинг тобора ривожланиб бориши шароитида миллий иқтисодиётларнинг барқарорлиги ва иқтисодий хавфсизлиги, ташқи қарзининг хавфсиз даражада бўлиши алоҳида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Хорижий давлатлар тажрибасининг кўрсатишича, миллий иқтисодиётларнинг ташқи қарз билан боғлиқ масалалари миллий иқтисодий хавфсизликка таалуқли жиддий салбий оқибатларга сабаб бўлмоқда. Шу жиҳатдан жадал ижтимоий-иқтисодий трансформацион жараёнларни бошидан ўтказатган давлатлар учун ташқи дунё билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик борасида очиқ иқтисодий сиёсат юритиш, миллий иқтисодиётларни хавф ва хатарлардан ҳимоя қилиш каби йўналишларда мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш долзарб масала ҳисобланмоқда.

Жаҳонда мақсадли капитал бозорларига интеграцияллашув жараёнида миллий иқтисодиётлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида трансформация жараёнида иқтисодий хавфсизликни миллий ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ баҳолашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш, иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг институционал механизмларини таҳдидларнинг намоён бўлиш эҳтимолини олдиндан эътиборга олган ҳолда шакллантириш, глобал ва минтақавий кредитдорлар, халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг фаоллашувида молия-банк хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда ташқи қарз маблағларини жалб қилишнинг чегаравий қиймати, аралаш иқтисодиётларни ривожлантиришнинг кўп омилли прогноз сценарийларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда устувор даражада тадқиқотлар олиб борилмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида рақобатбардош иқтисодиётни ривожлантириш, миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, самарали бошқарув асосида хавфсизлик рискларининг олдини олиш, банк сектори трансформацияси ҳисобига самарадорлигини, капитал ресурс базаси ва рентабелликни ошириш, ундаги давлат активларини стратегик инвесторларга сотиш, ҳамда хорижий кредитлардан самарали фойдаланиш каби туб масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, "...ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси мезонларига кўра хавфсиз ҳисобланади. Айни вақтда ташқи қарз ҳисобидан ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳалар бундан буён маҳаллий кенгашлар ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади. Ҳамда, давлат номидан ташқи қарз олиш камайтирилиб, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига кўпроқ хусусий капитал жалб этилади."<sup>1</sup>.

Бу борада мамлакатнинг жаҳон молия тизимига жадал интеграциялашуви шароитларида давлат қарзини хавфсиз даражада сақлаш ва самарали бошқариш,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 дек. 2020 й. [https://nrm.uz/content\\_ozbekiston\\_respublikasi\\_prezidenti\\_shavkat\\_mirziyevning\\_oliy\\_majlisga\\_murojaatnomasi](https://nrm.uz/content_ozbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirziyevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi)

жаҳон ва минтақавий капитал бозорларига интеграциялашувида ҳамда миллий банклар трансформация жараёнида иқтисодий хавфсизликнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган изланишларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 20 декабрдаги ПҚ–3439-сон “Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 21 июндаги ПҚ–3796-сон “Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 16 июлдаги ПҚ–3857-сон “Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи** Миллий иқтисодий хавфсизликнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Гарвард университети ҳузуридаги Гарвард Халқаро ривожланиш институти (Harvard Institute of International Development), РЭНД тадқиқот маркази (RAND Corporation, АҚШ), Оксфорд университети ва Лондон иқтисодиёт мактаби (Буюк Британия), Халқаро Валюта Жамғармаси ва Жаҳон Банки (ХВФ ва ЖБ) Бирлашган Вена Иқтисодий Ривожланиш Институти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (OECD) тадқиқот институти, Япониянинг Киото (Kyoto) ва Хитотсубаши (Hitotsubashi) университетларининг Иқтисодий тадқиқотлар институти, Ривожланаётган давлатлар институти (Institute of Developing Economies, IDE), Корея Тараққиёт институти (KDI), Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия Стратегик тадқиқотлар институти, Россия Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институти, Бозор муаммолари институти, Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти, Москва давлат университети Москва иқтисодиёт мактаби, Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Россия Халқлар дўстлиги университети<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup>The Economic Dimensions of National Security | RAND [www.rand.org](http://www.rand.org) › pubs › monograph\_reports <https://www.hiid.hks.harvard.edu/centers/cid> URL: <https://fortune.com/global500/2019/search/?hqcountry=U.S.> <https://ndupress.ndu.edu/Portals/68/Documents/Books/economic-security.pdf> [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk) <https://www.lse.ac.uk/economics> <https://www.jvi.org/russian.html> <http://www.ier.hit-u.ac.jp/> [6](https://www.icam-</a></p></div><div data-bbox=)

Жаҳон капитал бозорига интеграциялашув жараёнида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш императивлари бўйича олиб борилган изланишлар асосида, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: молиявий баркорорлик омилнинг иқтисодий ривожланишга таъсири аниқлаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган (Гарвард Халқаро ривожланиш институти (Harvard Institute of International Development)); хавф ва таҳдидларни иқтисодий хавфсизликка таъсирини аниқлаш методологияси такомиллаштирилган Оксфорд университети ва Лондон иқтисодиёт мактаби (Буюк Британия); банк секторининг миллий иқтисодий хавфсизликка таъсирини аниқлаш усули ишлаб чиқилган (Халқаро Валюта Жамғармаси; Жаҳон Банки); иқтисодий хавфсизликка таъсир этувчи омилларни аниқлаш кўрсаткичлари, шу жумладан миллий молиявий-иқтисодий хавфсизлиги кўрсаткичини ҳисоблашнинг методикаси асослаб берилган ҳамда молиявий-иқтисодий хавфсизликнинг йиғма (жамлама) индексни ҳисоблаш ва экспериментал жорий этиш шунингдек Ўзбекистон ва Россия учун иқтисодий хавфсизликни баҳолаш кўрсаткичларининг эконометрик таҳлили амалга оширилган (Россия Фанлар Академиясининг Бозор муаммолари институти); миллий иқтисодиётнинг мустақиллиги ва барқарорлигини таъминловчи шартлар ва омиллар мажмуи ишлаб чиқилган (Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия Стратегик тадқиқотлар институти).

Ҳозирги даврда жаҳонда иқтисодий хавфсизлик ва жаҳон капитал бозорига интеграциялашув жараёнида миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш императивлари муаммолари тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: глобаллашув ва рақамли иқтисодиёт шароитида умумий ва миллий хавфсизлик тизимининг уйғунлигини таъминлаш; иқтисодий хавфсизлик ва жаҳон капитал бозорига интеграциялашув мезонлари ва кўрсаткичлар тизимини жаҳон иқтисодиётининг замонавий ривожланиш тенденцияларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш; jisмоний шахслар, тадбиркорлик субъектлари ва давлат манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишни комплекс баҳолаш методикасинини яратиш; миллий иқтисодий ва молиявий салоҳиятга таҳдидлар таъсирини минималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Миллий иқтисодий хавфсизликнинг назарий ва концептуал муаммоларини ривожланаётган мамлакатларга нисбатан қўллаш масалалари И. Ансофф, П. Бьюкенен, З. Бжезинский, И. Валлерстайн, В. Квинт, Т. Парсонс, М. Портер, К. Омэ, У. Ростоу, Ж. Сакс, П. Самуэлсон, Ж. Стиглиц, А. Томпсон, А. Чандлер каби хорижий олимларнинг илмий асарларида ўрганилган.<sup>3</sup> МДХ давлатларидан Л.И. Абалкин, О.Т. Богомолов, Н.Я. Петраков,

---

[i2cam.org/ier-kyoto](http://i2cam.org/ier-kyoto) <https://www.ide.go.jp/> <https://kdischool.ac.kr/#/www#top> <https://riss.ru/> <https://inecon.org/>  
<http://www.ipr-ras.ru/> <https://www.imemo.ru/> <https://www.msu.ru/info/struct/dep/mse.html>  
<http://www.rudn.ru/> <http://>

<sup>3</sup> Ансофф И. Стратегическое управление - М., 1989; Brzezinsky Zb. The Grand Chessboard: American Primacy and Its Geostategic Imperatives - Международные отношения, 2010; Глобализация и национальные финансовые системы / Под ред. Дж.А. Хансона, П. Хонохана, Дж. Маджони — «Весь мир», 2005; Квинт В.Л. Теория и практика стратегирования – Ташкент, Тасвир, 2018; Омэ К. Мир без границ //Мировая экономика и международные отношения, 1998, № 1; Самуэльсон П. Э., Нордхаус В. Д. Экономика - Вильяме, 2000; Стиглиц

С.Ю. Глазьев, А.Д. Некипелов, В.М. Полтерович, Р.С. Гринберг, В.А.Цветков<sup>4</sup>, шунингдек И.В. Андропова, С.А.Афонцев, Л.Б.Вардомский, С.П. Глинкина, М.Ю. Головин, Городецкий, В.К. Сенчагов, А.Н. Спартак, А.С. Тулулов<sup>5</sup> каби олимлар собиқ иттифоқ республикаларининг жаҳон капитал бозорига кириш ва иктисодий хавфсизлики таъминлашининг назарий ва методологик жиҳатларини ўрганишган. Диссертант учун Россия Фанлар Академиясининг Бозор муаммолари институтида тайёрланган асарлар, хусусан, 6 жилдик «Россиянинг модернизацияси ва иктисодий хавфсизлиги (Москва, 2010-2017 йй.) асосий кўмакчи сифатида хизмат килди.

Ўзбекистонда миллий хавфсизлик муаммолари билан боғлиқ масалалар илмий ва амалий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурдаги Жаҳон иктисодиёти ва дипломатия университети (ЖИДУ)да ўрганилади. Диссертация мавзусига доир масалалар бўйича Қ.Х. Абдурахманов, Х.П. Абулкасимов, Ш.Р. Арифханов, С.Э. Аъзам, А.Ш. Бекмурадов, А.А. Вахабов, С.С. Гулямов, А.А. Исаджанов, А.Т. Исахужаев, Б.А. Исламов, И.Р. Мавланов, С.Ш. Мирзиёева, Т.С. Расулов, Н. Сиражиддинов, Н.Т. Талипова, Ш.А. Шарифходжаев<sup>6</sup> каби иктисоди олимларининг асарлари

---

Дж. Глобализация: тревожные тенденции - Мысль, 2003; Arrighi G. The long twentieth century: money, power and the origins of our times. London: Verso, 1994; Aizenman J., Chinn M., Ito H. Assessing the Emerging Global Financial Architecture: Measuring the Trilemma's Configuration over Time // NBER Working Paper No 14553, 2008; Barry Eichengreen Globalizing Capital: A History of the International Monetary System New Jersey: Princeton University Press, 2008; Giannetti M. Banking System, International Investors and Central Bank Policy in Emerging Markets. Bank of Italy, March 2009; Xu Ch. The Fundamental Institutions of China's Reforms and Development. Journal of Economic Literature, 2011, № 49 и др

<sup>4</sup> Абалкин Л.И. Экономическая безопасность России: угрозы и их отражение // Вопросы экономики, 1994, № 12; Богомолов О.Т. Глобальная экономика и жизнеустройство на пороге новой эпохи. - Анкил, 2012; Глазьев С.Ю. «О неотложных мерах по укреплению экономической безопасности России и выводу российской экономики на траекторию опережающего развития». Доклад - Научный совет РАН, 2015; Гринберг Р.С., Рубинштейн А.Я. Основания смешанной экономики. Экономическая социодинамика. - ИЭ РАН, 2008; Мировая динамика. Закономерности, тенденции, перспективы // отв. ред. А.А. Акаев, Садовничий В.А. и др. - РАН и МГУ им. М.В. Ломоносова, 2014; Модернизация и экономическая безопасность Российской Федерации. Тома 1- 6 (отв. ред. акад. Н.Я.Петраков, чл.-корр. РАН В.А.Цветков), - М-СПб, «Нестор-История», 2010-2016; Национальная экономическая безопасность России в условиях обострения объективных и инициированных рисков и угроз. / Е.Б. Ленчук, В.А. Цветков и др. - Нестор-История, 2018; Некипелов А.Д. Общая теория рыночной экономики - Магистр, 2017; Полтерович В.М. Элементы теории реформ - Экономика, 2007;

<sup>5</sup> Андропова И. В. Внешнеэкономические аспекты национальных интересов России на постсоветском пространстве - М., Квадрига, 2010; Афонцев С.А. Распутя Шелкового пути / Стратегия, 2017, № 3; Глинкина С.П. и др. Китайский фактор в развитии стран российского пояса соседства: уроки для России. Научный доклад - ИЭ РАН, 2018; Глобальный финансовый кризис: безопасность финансовой сферы России / Отв. ред. В.К. Сенчагов/ - ИЭ РАН, 2010; Головин М.Ю. Валютный курс и внешние шоки в российской экономике // Мир перемен. 2018, № 4; Городецкий А.Е., Зияудулаев Н.С. Евразийская интеграция в контексте обеспечения национальной экономической безопасности - Общество и экономика, 2020, № 4; Спартак А.Н. Современные трансформационные процессы в международной торговле и интересы России. ВАВТ - М. 2018.Тулулов А.С. Разбалансированность экономической и экологической политики государства на примере Стратегии экономической безопасности РФ - Доклады Международного форума «Россия в XXI веке: глобальные вызовы и перспективы развития» - ИПР РАН, 2018 и др.

<sup>6</sup> Абдурахманов К.Х., Гойибназаров Ш.Г., Исламов Б.А, Закирова Н.К., Талипова Н.Т., Исаходжаева М.Я. «Глобализация и иностранные инвестиции» Монография. Ташкент, «Ўзбекистан». 2020. г. Абулкасимов Х.П. Халқаро иктисодий ташкилотларда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва иктисодий хавфсизлики таъминлаш йўллари.// Ж. Иктисод ва молия/ Экономика и финансы, 2019 йил, 11-сон, 2-8-бетлар., Абулкасимов Х.П., Расулов Т.С. ва бошқалар. Мамлакат иктисодий хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашининг устувор йўналишлари. Монография.- Т.: «Инновацион ривожланиш наприёт-матбаа уйи», 2019.-395б., Арифханов, Ш.Р. Центральная Азия: настоящее и будущее (геополитика, геоэкономика, безопасность). Ташкент: «Adabiyot uchqunlari», 2018. 300 с. Бекмурадов А.Ш. Почему страны ЕАЭС перспективные партнёры для Узбекистана? <https://nuz.uz/int-4.12.2019>.Гулямов С.С. Основные направления модернизации банковской системы Республики Узбекистан // Российское предпринимательство. – 2000. – Том 1. – № 9. – С. 87-95. Исаджанов А.А. Глобализация мировой экономики - Т.: УМЭД, 2008; Исаджанов А.А. Глобал иктисодиётда хизматлар соҳаси - Ташкент: УХИА, 2019 й. – 300 б. Исахужаев А.Т. Иктисодий хавфсизлик мезонлари ва шакллари. «Общественные науки в Узбекистане» 2003, № 4, б. 2-10 Исламов Б., Исламов Д. «Ўзбекистан- страна новых возможностей для инвесторов» “Экономика и финансы” № 6, 2019; Иностранные инвестиции и модернизация



катта қизиқиш уйғотди. Бирок, мазкур олимларнинг асарларида иқтисодий хавфсизлик давлат бошқарувининг алоҳида тоифаси сифатида эмас, балки бироз бошқача контекстларда (геоиктисодий, озиқ-овқат, ташқи савдо, атроф-мухит ва бошқалар) кўриб чиқилган.

Ўзбекистондаги кўплаб илмий асарларда, бошқа собиқ иттифок мамлакатлари сингари интеграция жараёнига нисбатан иқтисодий хавфсизлик муаммоларини айрим жиҳатлари (геоиктисодиёт, озиқ-овқат, ташқи савдо, экология) таҳлил қилинган, лекин мустақил тадқиқот объекти ёки предмети сифатида деярли ўрганилмаган. Бунинг устига, аввал бажарилган ишлар, асосан, 2016 йил сентябрь ойига қадар даврни ўз ичига олган, ва ўз ўрнида, бозор ислохотларини янги босқичидаги ўзига хос хусусиятларни акс эттира олмайди, ҳамда ҳозирда дуч келаётган ташқи иқтисодиётдаги мураккаб вазиятлар олдиндан кўрилмаган, шу жумладан, COVID 19 коронавирус инфекцияси билан боғлиқ пандемиянинг инқирозли оқибатлари ҳам инobatга олинмаган.

Ушбу тадқиқот мазкур соҳадаги мавжуд бўшлиқни маълум даражада тўлдиришга ва жаҳон капитал бозорига интеграциялашув босқичида трансформация жараёнида бўлган давлатларнинг молиявий ва иқтисодий хавфсизлигини таҳлил қилиш бўйича назарий-услубий ва методик инструментларни таклиф қилишга йўналтирилган. Диссертация ишининг ўзига хос жиҳати шундаки, унда халқаро молия ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш ва фойдаланиш муаммолари тизимли инқирозларнинг цикллилиги ҳамда мамлакат банк секторини барқарор ривожлантиришнинг институционал механизмларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилган. Ушбу долзарб масалалар, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, илмий адабиётларда етарлича ишлаб чиқилмаганлиги диссертация тадқиқотининг мавзуси, унинг мақсади, мантикий кетма-кетлиги, тузилиши ва вазифаларини белгилашда хизмат қилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти Россия Фанлар академияси Бозор муаммолари институти ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №ПЗ-

---

национальной экономики, ред. Вахабов А.А. – «Молия», 2017, Мавланов И.Р. Дипломатия содействия международному развитию – Вестник МГИМО Университета, 2011; Мирзиёева С.Ш. Анализ опыта Узбекистана по разработке стратегий развития страны и регионов – СПб, Управленческое консультирование, РАНХГС, 2019, №3; Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари. “Иқтисод ва молия” илмий-амалий журнал. № 9 2015 й., 17-22 бб. Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўллари. Рисола. Т.: Фан ва технологиялар. 2016 й. Расулов Т.С. (хаммуаллифликда) Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари. “Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани. 2016 й. Расулов Т.С. (хаммуаллифликда) Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва йўллари. Монография. Т.: Фан ва технологиялар. 2017 йил. Сираждинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. – Т., УМЭД, 2004; Талипова Н.Т. Вопросы обеспечения экономической безопасности устойчивого развития Республики Узбекистан // Проблемы рыночной экономики, 2018; Хайдарова Д.Р. Экономическая безопасность Узбекистана в контексте развития внешней торговли. Автореф. дисс. к.э.н. – Т., УМЭД, 2008. Шарифходжаев Ш.А., Интеграционные процессы в ЦА и безопасность: проблемы и суждения – Монография. Т., ГКНТ, ГФНТИ, №2620, Уз.96, 27.12.1996 на 108 с., Шарифходжаев Ш.А., Вохидова М.Х. Необходимость улучшения инновационной инфраструктуры в стране – Ташкент, Экономика и финансы, 2018 г., № 5, с. 61-66, Abulkasimov Kh. P., Saidaxmedova N.I. Supplying food safety issues in Uzbekistan// Ж. European journal of economics and management sciences, Austria, Vienna, 2017, № 1, p17-21 Abdurakhmanov K., Zakirova N., Islamov B., Hiwatari M. Systemic Transformation and Sustainable Human Development: Case of Uzbekistan, Monograph, Gunadarma University Press, Jakarta, Indonesia, 2016; Islamov B. Central Asian Independent States Ten Years After: How to Overcome Traps of Development, Transformation and Globalisation. Monograph, Marusen, Tokyo, Japan (2001).

20170926480 “Махсус иқтисодий зоналарда венчур молиялаштириш тизимининг институционал механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (хорижий тажриба асосида)” мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жаҳон капитал бозорига интеграциялашув жараёнида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш императивларни таҳлили асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

“иқтисодий хавфсизлик” категориясини янги позициялардан баҳолаш имконини берувчи, яъни хавф ва таҳдидларни таснифлаш бўйича мавжуд қарашларни таҳлил қилиш ва тартибга солиш;

жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва нобарқарорлиги шароитида трансформация жараёнидаги ва ривожланаётган мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ иқтисодий хавфсизликни баҳолашнинг назарий-услубий ва ҳисоблаш воситаларини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо алоқалари, молия ва банк сектори иқтисодий ривожлантириш ва трансформациялаш доирасида жаҳон хўжалиги ва капитал интеграциялашув контекстида стратегик йўналишларни белгилаб олиш бўйича тўпланган тажрибаларни умумлаштириш;

давлатнинг молиявий ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг институционал механизмларини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон капитал бозорига интеграциялашув доирасида банк секторини барқарор ривожлантиришга доир услубий ва ҳисоблаш инструментларни ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган услубий ва методик ечимларни иқтисодиётнинг микро - (алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар, банклар) ва макро- даражаларида экспериментал жиҳатдан тадқиқ этиш;

жаҳон капитал бозорига интеграциялашув жараёнида Ўзбекистон Республикасида банк молиявий хавфсизликни таъминлаш императивлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасининг миллий иқтисодий хавфсизликни императивларини таъминлашда банк секторинг трансформация жараёни танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** жаҳон капитал бозорига интеграциялашув жараёнида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизликни ва банк секторинг трансформациясини таъминлашда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ретроспектив, қиёсий, график ва SWOT таҳлили, стратегик бошқарув, эконометрик моделлаштириш, гуруҳлаш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

миллий иқтисодий хавфсизлик тизимининг мантиқий блок-схемаси иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ҳатарларни бошқаришда ресурсларга нисбатан регулятор таъсир кўрсатувчи банк секторининг хавфсиз трансформацияси институционал қоидасини кириштириш асосида

такомиллаштирилган;

хорижий капиталнинг миллий банклар активларидаги оптимал улуши ўттиз фоиздан ошмаган миқдорда ташқи қарз маблағларни жалб қилишнинг чегаравий қиймати тақлиф этилган;

аралаш иқтисодийтни ривожлантиришнинг кўп омилли прогнози баҳолаш кўрсаткичлари глобал, молиявий, саноат, ижтимоий ва маъмурий мезонларга мувофиқ иқтисодий хавфсизликнинг хавф ва таҳдидлар типологияси қайта шакллантирилган;

банк секторининг молиявий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қўшган индивидуал хиссаси омилларни баҳолашни ўртача қиймати пастки оралиғини 0,64 бўлиши банкнинг ўртача таъсир градациясига ўтиш эҳтимоли юзага келиши асосланган;

миллий иқтисодиётлар қиёсий динамикаси ва иқтисодий хавфсизликнинг йиғма (жамланган) индексига кўра банк сектори фаолиятига таъсир кўрсатадиган ташқи таъсирларни тавсифловчи мамлакатнинг олтин-валюта захиралари, ташқи қарзни ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан барқарорлик индикаторлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

иқтисодиётнинг умумий ҳолати тўғрисидаги қарашлар асосида эмас, балки хатар ва таҳдидларни таснифлаш нуктаи назаридан баҳолаш орқали муаллиф томонидан “миллий иқтисодий хавфсизлик”, “иқтисодий хавфсизликни таъминлаш императивлари” каби тушунчаларга аниқлик киритилган;

трансформация жараёнларидаги давлатларнинг миллий иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш услубиёти, алгоритми, ташқи қарзни жалб қилиш чегаравий қийматлари, аралаш иқтисодиётларни ривожлантиришнинг прогноз сценарийларини баҳолаш усуллари такомиллаштирилган;

иқтисодиётнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий ҳолати, унинг жаҳон иқтисодий алоқалари, ташқи иқтисодий фаолияти, банк-молия тизими таҳлили ва иқтисодий натижаларини таҳлилий-прогнозли баҳолаш тақлиф этилган;

макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлашда реципиент мамлакатнинг ташқи қарз олиш эҳтиёжлари ва унга хизмат кўрсатиш қобилияти ўртасида оптимал мувозанатни ушлаб туришга мўлжалланган чегаравий қийматларга амал қилишнинг энг муҳим омиллари ва воситалари аниқланган;

эксперт баҳолашлар, стратегик режалаштиришнинг ҳуқуқий ҳужжатлари, ЯИМнинг таркибий қисмлари, иқтисодий зарарларни ҳисоблаш ва бошқаларни қамраб олган Ўзбекистон миллий молиявий-иқтисодий хавфсизлиги индикаторини ҳисоблашнинг комплекс методикаси ишлаб чиқилган;

банк тизимининг молиявий-иқтисодий хавфсизлик даражасига ўзаро боғлиқлиги ва таъсир даражаси аниқланган;

ишлаб чиқилган методлар асосида молиявий-иқтисодий хавфсизликнинг йиғма (жамланма) индекси билан бирга тажрибавий ҳисоб-китоблар амалга оширилди ҳамда Ўзбекистон ва Россия Федерацияси учун миллий иқтисодий хавфсизликни баҳолаш амалга оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги.** Тадқиқотда қўлланилган

методологик-услубий ёндашувлар ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдаланилган ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсиялар жаҳон капитал бозорига интеграциялашув жараёнида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашда фойдаланишга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар жаҳон ва минтақавий капитал бозорига интеграциялашув жараёнида миллий иқтисодий хавфсизликнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар жаҳон капитал бозорига интеграциялашув жараёнида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш (такомиллаштириш), тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек «Жаҳон иқтисодиёти», «Халқаро иқтисодий алоқалар» ва «Ривожланиш иқтисодиёти» фанлари бўйича ўқув-услубий адабиётларини тайёрлашда (такомиллаштириш)да фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жаҳон капитал бозорига интеграциялашув жараёнида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш императивлари бўйича олинган илмий натижалар асосида: миллий иқтисодий хавфсизлик тизимининг мантиқий блок-схемаси иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва хатарларни бошқаришда ресурсларга нисбатан регулятор таъсир кўрсатувчи молиявий институционал қоидаларни киритиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти (СМТИ) томонидан ахборот-тахлил маълумотларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти (СМТИ)нинг 2020 йил 23 октябрдаги 02-1/723-сон маълумотнома).

Мазкур илмий таклифдан фойдаланиш натижасида иқтисодиётнинг энг мақбул фаолият режимини таъминлашда ресурсларга нисбатан регулятор таъсир кўрсатувчи институционал қоидаларни ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилган; хорижий капиталнинг миллий банклар активларидаги оптимал улуши ўттиз фоиздан ошмаган миқдорда ташқи қарз маблағларни жалб қилишнинг чегаравий қиймати бўйича таклиф “Ипак Йўли” АИТБ томонидан банкни молиявий-иқтисодий хавфсизликка қўшган ҳиссасини баҳолашда фойдаланилган (“Ипак Йўли” АИТБнинг 2020 йил 18 декабрдаги 02-2/9237-сон маълумотномаси).

Натижада хорижий банкларни ички бозорга киришига рухсат бериш бўйича катъий меъёрлар, ташқи қарз олишнинг янги тенденцияларини белгилаш, инкироз ҳодисаларини енгиб ўтиш имконияти яратилган; аралаш иқтисодиётни ривожлантиришнинг кўп омилли прогнози баҳолаш кўрсаткичлари глобал, молиявий, саноат, ижтимоий ва маъмурий мезонларга мувофиқ иқтисодий хавфсизликнинг хавф ва таҳдидлар типологияси таклифи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар

институту (СМТИ) томонидан ахборот-тахлил маълумотларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти (СМТИ)нинг 2020 йил 23 октябрдаги 02-1/723-сон маълумотнома). Илмий тақлифлардан фойдаланиш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг кўп омилли прогнози баҳолаш кўрсаткичлари шакллантиришга хизмат қилган;

банк секторининг молиявий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қўшган индивидуал хиссасини аниқлаш усули ишлаб чиқилган ва шу асосида омилларни баҳолашни ўртача қиймати пастки оралиғини 0,64 бўлиши банкнинг ўртача таъсир градациясига ўтиш эҳтимоли юзага келиши тақлифи “Ипак Йўли” АИТБ томонидан банкни молиявий-иқтисодий хавфсизликка қўшган ҳиссасини баҳолашда фойдаланилган (“Ипак Йўли” АИТБнинг 2020 йил 18 декабрдаги 02-2/9237-сон маълумотномаси). Натижада иқтисодий хавфсизликни таъминлашда банклар фаолиятини баҳолаш воситаларини амалий синовдан ўтказиш шунингдек тақлиф қилинган ёндашув банкларнинг иқтисодий хавфсизлигига таъсирини миқдорий баҳолашдан олинган натижаларни қиёсий таҳлил қилиш имкони яратилган;

миллий иқтисодиётлар қиёсий динамикаси ва иқтисодий хавфсизликнинг йиғма (жамланган) индекси асосида банк сектори фаолиятига таъсир кўрсатадиган ташқи таъсирларни тавсифловчи макро-молиявий барқарорлик кўрсаткичлари бўйича тақлиф Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти (СМТИ) томонидан ахборот-тахлил маълумотларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги СМТИнинг 2020 йил октябрдаги 02-1/723-сон маълумотнома). Илмий тақлифлардан фойдаланиш миллий иқтисодиётни стратегик режалаштиришда иқтисодий хавфсизликка таъсир кўрсатувчи омиллар ва қайта таъсирни аниқлаш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш, жумладан 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола, жумладан 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 254 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, ишнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги очиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, олинган натижаларнинг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Трансформация жараёнидаги давлатларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида давлатнинг миллий иқтисодий хавфсизлигига оид қарашлар тизими таҳлил қилинди, жаҳон капитал бозорида олиб борилаётган операцияларда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал ёндашувлари баён этилган.

Собиқ иттифоқ давлатларига нисбатан “иқтисодий хавфсизлик” тоифасидаги мавжуд илмий қарашларни таҳлил қилиш натижалари асосидаги илмий ғоялар эволюцияси ривожланаётган ва трансформация жараёнидаги давлатларни глобаллашув шароитида жаҳон капитал бозорига фаол киришиши билан бир вақтда ривожланди. Шу билан бирга, ўтиш давридаги иқтисодиётларнинг жаҳон капитал бозорига интеграциялашуви шароитида банк-молия соҳасида хавфсизлик муаммолари махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертацияда ўрганилган ва тақдим этилган муаллифлик ёндашувлари иқтисодий хавфсизликни иқтисодиётнинг умумий ҳолати позициясидан эмас, балки хавф ва таҳдидларни таснифлаш нуктаи назаридан баҳолаш имконини беради. Бундай ёндашув бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бўлган давлатлар учун ташқи ва ички хавфларни сифат жиҳатидан аниқлаш ва белгилаш ҳамда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, иқтисодий хавфсизлик ва хўжалик субъектларининг рақобатбардошлигини таъминлаш имконини беради. Жаҳон иқтисодиётининг турбулентлиги шароитида жадал суръатларда ривожланаётган мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб иқтисодий хавфсизликни баҳолашнинг назарий-услубий, ҳисоблаш-методик инструментларини такомиллаштириш асосида бошқарув қарорларини ишлаб чиқишнинг мантиқий кетма-кетлиги диссертацияда блок-схема шаклида тақдим этилди (Расм 1).

Биринчи босқичда хавф ва таҳдидларни тизимли равишда саралаб ўрганиш ва идентификацияси амалга оширилади, бунинг асосида юзага келаётган хатарларни бошқариш вазифалари шакллантирилади ва турли индикаторлар, айниқса, иқтисодиётнинг энг мақбул фаолият режимини таъминлаш мақсадида ресурсларга нисбатан регулятор таъсир кўрсатувчи институционал қоидалар ишлаб чиқилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликнинг мақсад ва вазифаларини белгиловчи концептуал ҳужжатлар ҳали ишлаб чиқиш жараёнида эканлигини ҳисобга олган ҳолда, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик концепцияси асосан ҳарбий ва терроризмга қарши хавфсизлик муаммоларига қаратилганлиги, иқтисодий

тахдид ва хатарларни таснифлаш алоҳида аҳамият касб этади. Улар, биринчидан, жаҳон иқтисодий алоқаларини кенгайтириш шароитида давлатда пайдо бўладиган, иккинчидан, ушбу таҳдидларга энг кўп таъсир кўрсатадиган иқтисодиётнинг соҳаларини аниқлаш ва учинчидан, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқишга қаратилган.



**Расм 1. Давлат иқтисодий хавфсизлиги тизимининг мантиқий блок-схемаси**

Ушбу тадқиқот мавзуси доирасида диссертацияда глобал капитал бозорига киришди иқтисодий хавфсизликка таъсир қилувчи таҳдидларнинг конкрет рўйхати шакллантирилди ва жадал иқтисодий ислохотлар шароитида мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга доир институционал механизмлар ва индикаторлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон иқтисодиёти учун асосий хавф бу жаҳон иқтисодиётининг нотинчлиги ва беқарорлигидир. Мамлакат ичида иқтисодий хавфсизлик рискларини тартибга солувчи камчиликлар ва банк секторининг самарасизлиги, қатор корхоналарнинг рақобатбардошлиги пастлиги ва қарз мажбуриятларининг ошиб бориши, ишсизлик ва кам таъминланган аҳолининг кўпайиши билан боғлиқ. Диссертацияда мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган ички ва ташқи хатарлар аниқланди ва илмий асосланди, ташқи қарзларни жалб қилишда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг чегаравий қиймаглари аниқланди. Хавф ва таҳдидларнинг олдини олиш учун зарур ва етарли бўлган ресурслар баҳоланди.

Муаллиф томонидан иқтисодий хавфсизлик банк-молия соҳаси нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Тадқиқот ишида иқтисодий хавфсизлик даражаси ва

мамлакат банк сектори барқарорлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кўрсатилган. Иқтисодиётдаги инкирозли ҳодисалар банкларнинг барқарорлигига салбий таъсир қилади ва аксинча, банк тизими кўрсаткичларининг яхшиланиши иқтисодий хавфсизлик даражасининг ошишига олиб келади. Диссертация ишида Халқаро молия ташкилотлари (ХМТ)дан қарз маблағларини жалб қилиш тамойиллари асослаб берилган, улар орасида: устувор ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш; молиявий ресурслардан мақсадли ва самарали фойдаланиш; иқтисодий хавфсизликнинг чегара қийматларига мувофиқлиги; инвестицион лойиҳаларнинг атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш; ХМТ билан ҳамкорликни диверсификация қилиш асосийлари ҳисобланади.

Мамлакатларнинг ташқи қарзлар ва илғор технологияларга боғлиқлиги маблағларни жалб қилишнинг “халқаро лойиҳаларни мақсадли молиялаштириш” сингари янги ёндашувлар ва механизмларини излаб топишни талаб қилади, унинг моҳияти молиялаштириш олдиндан белгиланган пул оқимлари ёки бошқа активларнинг келгуси тушумлари гаровига асосланади. Бунда пул оқимларини мақсадли йўналтириш Халқаро Валюта Фонди (ХВФ), Жаҳон Банки (ЖБ), Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва бошқа халқаро банклар, шунингдек, хорижий ҳукуматлар иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Муаллиф томонидан ташқи қарз олишнинг янги тенденциялари аниқланди: бир томондан, улар жаҳон иқтисодиётини янада чуқур глобаллашув ва минтақалаштиришнинг локомотиви, бошқа томондан, улар инкироз ҳодисаларини енгиб ўтиш ва трансформацияланаётган давлатларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш воситасидир. Хавфсизликнинг энг юқори даражасига агар макро- ва микро- индикаторларнинг бутун мажмуасида чегара қийматлари рухсат этилган чегараларда бўлса ва битта индикаторнинг чегара қийматлари бошқа индикаторларга нисбатан салбий таъсир ўтказмайдиган вазиятда эришилади.

Миллий банк тизимларининг бирлашиши яқка ҳолда содир бўлмайди, балки мамлакатнинг жаҳон капитал бозорига кириши ташқи иқтисодий стратегиясининг ажралмас қисми бўлиб, унда банк муассасалари томонидан амалга ошириладиган кредит муносабатлари бирлаштирувчи ва тартибга солувчи функцияни бажаради ва хилма-хиллиги билан ажралиб турадиган кўплаб банк хатарлари ва имкониятларини қўллаш сценарийларига эга ўзгарувчан ва сегментланган жараёни ифодалайди. Бундай интеграциянинг асосий мақсади банк хизматлари ягона бозорининг институционал, ташкилий ва функционал элементларини босқичма-босқич шакллантиришдир. Интеграцион жараёнлар динамикасини таъминловчи воситаларни ишлаб чиқиш учун миллий банк тизимининг жаҳон капитал бозорига қўшилишининг зарурий шарт ва шароитлари, омилларини баҳолаш зарур. Шу билан бирга, интеграция жараёнига ҳалақит берадиган ёки тўсқинлик қиладиган сабабларни ажратиш орқали юзага келиши мумкин бўлган хавф ва таҳдидларни минималлаштириш ва уларни қоплаш муҳимдир.

Капитал бозорининг глобаллашуви миллий банк тизимларининг ривожланиш даражасини тенглаштириш учун шароит яратмайди. Шу сабабли,



банк тизимини ривожлантириш бўйича алоҳида моделни шакллантиришда рақобатдаги устунликлардан максимал даражада фойдаланиш ва маҳаллий банкларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш лозим. Бу эса ўз ўрнида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлиги соҳасида ҳамда миллий банклар трансформацияси жараёнида бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш йўналишларини илмий асослаш учун кераклича имконият яратди.

**“Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва банкларини барқарор ривожлантиришнинг институционал механизмлари”** деб номланган иккинчи бобида миллий иқтисодиёт ва ташқи савдо алоқаларининг ҳозирги ҳолати, шунингдек, пул-кредит сиёсати эволюцияси ва республикадаги Халқаро молиявий ташкилотлар фаолияти, банк тизимларининг интеграциялашувида хорижий тажрибадан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётга эришишда муҳим ютуқларга эришган МДХ мамлакатлари орасида иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли мамлакатлардан бири ҳисобланади. ЯИМ ҳажми 1989 йилдаги даражадан икки баравар кўпайди ва 50,5 млрд. АҚШ долларига етди, аҳоли жон бошига харид қобилияти паритети бўйича ЯИМ индекси 3,3 баробарга ўсди ва 2020 йилда 9 минг АҚШ долларидан ошди, шу билан бирга 2015 йилда ушбу кўрсаткич 7,3 минг АҚШ долларига тенг эди, 2010 йилда эса 5,1 минг АҚШ долларини ташкил этган.<sup>7</sup> Янги мақсадли ислохотлар натижасида 2019 йилнинг ўзида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 3,7 баробарга ўсди ва 4,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, инвестиция-ларнинг ЯИМдаги улуши 37 %га етди. Коронавирус пандемияси билан боғлиқ ҳолда, 2020 йилда ўсишнинг бироз 1.6%гача пасайиши кузатилди, ammo 2021 йилга келиб ЯИМ ўсиши 6 фоизга етиши прогноз қилинмоқда. Мамлакат макроиқтисодий барқарорлиги бюджет соҳасидаги хавфсизликнинг етарли чегарасини, иқтисодиётнинг ички ва ташқи секторлари кўрсаткичлари мувозанатлаштирилган, давлат қарзларини меъёрда ушлаб туриш таъминланган, мўътадил қатъий пул-кредит сиёсати олиб борилмоқда, инфляциянинг чегаравий қийматидан ошмади ва халқаро олтин-валюта захиралари доимий равишда ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳияти табиий ресурслар, фойдали қазилмалар, муттасил ўсиб боровчи 34 миллиондан зиёд аҳолининг юқори ҳажмда потенциал талабни юзага келтираётганлигига асосланган. Экспортга йўналтирилган маҳсулотларининг муҳим манбаси бўлиб хизмат қилувчи агросаноат сектори ва қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Пахта толаси, ипак, пилла, қорақўл мўйнаси, жун, мева-сабзавот, мева ва узум ишлаб чиқаришда, шунингдек, олтин қазиб олишда Ўзбекистон нафақат МДХ, балки жаҳон бозорларида ҳам етакчи ўринларни эгаллаб турибди. Қулай ишбилармонлик муҳитининг яратилиши ва инвестицияларнинг кўпайиши нафақат иқтисодий ўсиш суръатларининг ошишини, балки иқтисодиёт тармоқларидаги жиддий таркибий ўзгаришлар жиддий иқтисодий ўсишни таъминлади: ЯИМда – саноат, саноатда – машинасозлик, экспортда – машина-техника маҳсулотлари улуши ошди. 2019

<sup>7</sup> URL: <https://knoema.ru/atlas/Ўзбекистан..>

йилда ЯИМ таркибидаги саноатнинг улуши аллақачон 30 %ни, шу жумладан олтин ва кончилиқ саноати – ялпи қўшилган қийматнинг 49 %ини ташкил этди. Мос равишда ЯИМда билимларга асосланган хизматлар улуши – 35,5 %, қишлоқ хўжалиғи – 28,1 %, қурилиш –6,4 %ни ташкил этди. Кичик бизнеснинг фаол ривожланиши рағбатлантирилди, унинг ЯИМдаги улуши 55 %гача ўсди. Кейинги ривожланиш босқичида маҳаллий ресурсларни чуқур қайта ишлаш кластерлар ҳисобига қўшимча қийматини кўпайтириш талаб этилади, бу эса муҳим (ички ва ташқи) молиявий ресурсларни жалб қилишни тақозо этади.

Диссертация ишида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлишининг қишлоқ хўжалиғи, саноат, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка эҳтимоллий таъсири ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатлари ҳамда маҳсулотлар импортининг ошиши хатарлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ЖСТга аъзо бўлиш давлатлараро савдо алоқаларини кенгайтиради, юқори технологиялар импортини оширади, Ўзбекистоннинг инвестицион жозибadorлиғи ва халқаро майдондаги обрўини оширади, рақобат муҳитини яхшилади, тарифларнинг пасайишига олиб келади, инвесторлар сонини кўпайтиради ва янги иш ўринлари яратилади.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан интеграцион ҳамкорликнинг ижобий ва салбий томонларини инobatга олган ҳолда, диссертацияда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро алоқалари прагматик асосда, сиёсий конъюнктурадан ҳоли, фақат иқтисодий эҳтиёжлар ва миллий манфаатларга хизмат қилиши мақсадга мувофиқлиғи таъкидланади. ЕОИИ билан интеграциянинг иқтисодий параметрларини ҳар томонлама ҳисоблашга имкон берадиган узоқ муддатли интеграциялашув сценарийлари асосида босқичма-босқич ўзаро ҳамкорлик қилиш тавсия этилади. Авваламбор, бу борада икки томонлама алоқаларни мустақамлаш ва эркин савдо зонасини яратиш каби мавжуд форматлар орқали амалга ошириладиган божхона тўсиқларини олиб ташлаш бўйича мунозаралар олиб борилиши лозим. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик таъминланган тақдирда келгусида интеграция форматини чуқурлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш имкони туғилади.

Тадқиқот ишида кўплаб ривожланган ва трансформация жараёнидаги мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида пул-кредит муносабатларини тартибга солишининг асосий босқичлари ва хусусиятлари таҳлил қилинган. 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси банкларининг умумий капитали 264,5 триллион сўмни ташкил этди, бу 27,6 млрд. АҚШ долларига тенг дегани. Ўзбекистонда 30 та тижорат банки, шу жумладан

5 та давлат, 13 та қисман давлат акциядорлик тижорат, 5 та хорижий капитал иштирокидаги ва 6 та хусусий банклар мавжуд. Республика банк тизими капиталининг етарлилик даражаси Базел банк назорати қўмитасининг белгиланган стандартларидан деярли уч баробар юқори. Банкларнинг жорий ликвидлиғи 2,5 млрд. АҚШ долларидан ортик, бу эса нодавлат ташқи қарзлар бўйича тўловлар ҳажмидан деярли 10 баробар кўп.

Турли мамлакатларда олиб борилган банк ислохотлари шуни

кўрсатмоқдаки, хорижий капитални жалб қилиш учун фақат назорат қилинмайдиган акцияларни сотиб олиш орқали давлат ўз банклари фаолиятини такомиллаштиришни кўзлайди. Хорижий капитални миллий манфаатларига қатъий риоя қилган ҳолда банк тизимига жалб қилиши хорижий тажрибани мослаштириш асосида ҳамда рақобатбардош банклар сонини оширишга йўналтирилган бўлиши керак. Халқаро тажрибага ва экспертларнинг фикрларига таянган ҳолда, хорижий банкларни ички бозорга киришига рухсат бериш бўйича қатъий меъёрларни белгилашда хорижий капиталнинг миллий банклар активларидаги оптимал улуши 30 %дан ошмаслиги муаллиф томонидан тақлиф этилган. Базель III стандартларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, муаллиф томонидан халқаро фаолиятни кенгайтириш ва маҳаллий йирик банкларнинг жаҳон бозорларидаги иштироки самарадорлиги асослаб берилди, бу уларнинг халқаро банк операцияларининг тўлиқ иштирокчилари сифатида фаолият юритишига тўла имкон беради ва хорижий инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон ҳар доим хорижий инвестицияларни имтиёзли фоиз ставкалари билан узоқ муддатли асосда жалб қилиш мезонларига амал қилган ва қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечган. Шу сабабли, банк сектори ҳали глобал молиявий тизимларнинг нобарқарорлиги билан боғлиқ салбий жараёнларнинг кучли таъсирига дуч келмаган. Диссертацияда миллий иқтисодий молиялаштиришнинг ички манбаларининг барқарор ривожланишига хизмат қилувчи давлат дастурларини амалга ошириш, таркибий ислохотларни амалга ошириш, ташқи савдо алоқаларини диверсификациялаш, муттасил ўсиб боровчи ишчи кучини иш билан таъминлашдаги ўрни очиб берилган.

Кулай инвестицион муҳит мамлакат банк бозорини халқаро инвесторлар учун жозибадорлигини оширади. Шунингдек, Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё ҳамда МДХ давлатлари учун аъзолик долзарб бўлган халқаро молия-кредит ташкилотларига ХВФ, ЖБ, ОТЕ, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ва Ислоом тараққиёт банклари (ИТБ) билан ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятини беради. Ўзбекистон Республикасининг молия бозорида Россия, Хитой, Туркия, Жанубий Корея, Швейцария, АҚШ, Япония, Қозоғистон каби дунёнинг 12 дан ортик давлатлар вакиллари билан иборат банк гуруҳлари иштирок этмоқда. Хорижий инвесторлар учун мамлакатимизнинг асосий жозибадорлиги сиёсий барқарорлик, барқарор иқтисодий ривожланиш, Марказий Осиёдаги энг ривожланган инфратузилма, шунингдек, малакали ёш кадрларни ҳам ички, ҳам ташқи меҳнат бозоридан жалб қилиш имкониятлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг молиявий-иқтисодий ҳолати жадал суръатда ривожланаётган, ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари кўрсаткичларига мос келади. Амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиши халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланди. Жаҳондаги таниқли журналлардан бири ҳисобланган Британиянинг “The Economist” журнали 2017 йилдан буён Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялашда хорижий ҳамкорлар иштирокини кенгайтириб, ислохотлар жадал суръатларда олиб борилаётган давлат сифатида

“Йил давлати” деб тан олди. 2019 йилнинг февраль ойида биринчи марта Ўзбекистон юқори халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 млрд. АҚШ долларига тенг облигацияларни муваффақиятли жойлаштирди. Ўзбекистон иқтисодий ўсишнинг фундаментал асосларини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш омилларининг унумдорлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш, истиқболга қаратилган стратегияга таянган ҳолда таркибий ислохотларни ва самарали солиқ-бюджет сиёсатини давом эттириш барқарор ривожланишни таъминлаш шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатда эришилган макроиқтисодий “хавфсизлик чегараси”ни йўқотишга йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг учун ХМТ, хорижий давлатлар ва айниқса тижорат банкларининг маблағларини жалб қилиш ва улардан фойдаланишнинг чегара қийматларига риоя қилиш зарур.

**“Ўзбекистон Республикасининг молиявий-иқтисодий хавфсизлигини таҳлил қилишнинг услубий воситаларини шакллантириш”** деб номланган учинчи бобда давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги ва банк тизими барқарорлигининг ўзаро таъсири борасида тадқиқотлар олиб борилди, банк сектори ҳиссасини баҳолаш ва мамлакат молиявий-иқтисодий хавфсизлигининг йиғма (жамланган) индексини ҳисоблаш усуллари муаллиф томониданишлаб чиқилди ва экспериментал шароитда синовдан ўтказилди. Муаллиф томонидан банк секторининг иқтисодий хавфсизлик даражасига таъсирини аниқлаб берувчи омиллар рўйхати шакллантирилди (12-жадвал, 2-устун). Уларнинг ҳар бири учун иқтисодий хавфсизлик даражасига таъсир кучининг эҳтимолий қийматларини баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган. Ҳар бир омилнинг дискрет ҳолатлари  $m$  гуруҳлар орқали тавсифланди ва ҳар бир  $i$ -омил ичидаги  $m$  кетма-кетлик иқтисодий хавфсизлик даражасига таъсирнинг ўсиб бориши тартибида жойлаштирилган. Танланган омиллар рўйхатини тузишдан ташқари, ҳар бир омилнинг таъсир даражаси ҳам баҳоланди (3-устун). Банкнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги таъсир даражасини баҳолаш учун танланган таъсир этувчи омилларнинг ўртача баҳоланган қийматини қуйидаги формула бўйича аниқлаш таклиф этилади:

$$k_L = \frac{\sum_i a_i \cdot (m_{i_{\max}} + 1 - m_{i_L})}{\sum_i a_i \cdot W_{i_{\max}}} \quad (1)$$

бунда:  $k_L$  - L-банкнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қўшган индивидуал ҳиссаси мезони;  $a_i$  -  $i$  факторининг иқтисодий хавфсизликка таъсир даражаси;  $m_{i_L}$  -  $i$  фактор бўйича L-банкнинг факторлар матричасини баҳолаш гуруҳи (синфи) рақами;  $m_{i_{\max}}$  - ҳар бир фактор учун факторлар матричасини баҳолаш гуруҳлари умумий сони;  $W_{i_L}$  -  $i$  фактор бўйича L-банк учун ишончлилик даражасининг хусусий мезони;  $W_{i_{\max}}$  -  $i$  фактор бўйича индивидуал балнинг максимал қиймати.

“Ипак Йўли” АТИБ мисолида банк фаолиятининг иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қўшган ҳиссасини баҳолаш бўйича қўлланилган амалий синов

натижаси шуни кўрсатдики, тақлиф қилинган ёндашув танланган омиллар ҳолатининг кенг доирасига қараб, банкларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга таъсир кучини миқдорий жиҳатдан таққослаш имконини беради. “Ипак Йўли” банки фаолиятини таҳлил қилиш натижасида олинган маълумотлар тавсия этилган инструментлар ёрдамида ишланган ва 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

**«Ипак Йўли» банкининг иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қўшган ҳиссасини баҳолаш \***

№ i	Таъсир омили, i	$a_i$	Баҳоланувчи банк учун омиллар қиймати	m синф	$W_{iL}$	$a_i W_{iL}$	$a_i W_{i(max)}$
1	Аҳолига бериладиган кредитларнинг етарлилик даражаси	0,8	Яширин оғир шартларсиз мослашувчан кредит линияси	3	1	2,4	3,2
2	Хўжалик юритувчи субъектларга бериладиган кредитларнинг етарлилик даражаси	0,9	Яширин оғир шартларсиз мослашувчан кредит линияси	3	1	2,7	3,6
3	Худудий қамров даражаси	0,2	Офис ва бўлималарнинг нисбатан қўп бўлмаган сони	1	3	0,2	0,8
4	Бизнес ва аҳолининг ишонч кўрсаткичи	0,6	Юқори	3	1	1,8	2,4
5	Капитализация	0,7	Етарли даража	2	2	1,4	2,8
6	Ликвидлилик	0,6	Етарли	3	1	1,8	2,4
7	Инвестицион портфель тузилмаси	0,8	Ўргача (бозор)	2	2	1,6	3,2
8	Леверидж коэффициенти	0,9	Ижобий	3	1	2,7	3,6
9	Қонунбузарликлар сони ва назорат органларининг чоралари	0,1	Мавжуд эмас	3	1	0,3	0,4
Ўргача баҳоланган қиймат						14,9	22,4
k <sub>L</sub> - иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қўшган индивидуал ҳиссаси мезони						0,665179	

\*Муаллиф томонидан ҳисобланган.

Шуни таъкидлаш керакки, баҳоланган банкнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қўшган ҳиссаси учун индивидуал мезоннинг ҳисобланган қиймати юқори даражадаги баҳолашнинг пастки оралиғига (0,64) яқинлашади ва ҳар қандай кўрсаткич бироз ёмонлашганда (атиғи 0,02 га) бошқа хусусиятлар

Ўзгаришсиз қолиб банкнинг ўртача таъсир градациясига ўтиш эҳтимоли юзага келади. Шунинг учун банк стратегик равишда бир қатор омилларга, биринчи навбатда худудий қамровга доир параметрларни такомиллаштиришга мажбур бўлади, бу банкнинг таклиф этилаётган хизматлари мавжудлигига ва натижада билвосита фойда, ликвидлик ва бошқа муҳим молиявий-иқтисодий кўрсаткичларига таъсир қиладди. Таклиф этилган тавсиялар банкнинг умумий ишончлилик даражасини оширади ва уларни трансформациясинг жараёнида қўшимча равишда иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшади.

Ишлаб чиқилган инструментлар тўпламининг амалий синови “Ипак Йўли” АИТБ мисолида амалга оширилди. Таҳлил қилинган маълумотларнинг ишончлилиги “Deloitte & Touche CIS” халқаро аудиторлик компанияси томонидан тасдиқланган. Банкка “Moody’s Investors Service, Inc.” томонидан “B2” халқаро рейтинг берилган ва “Fitch Ratings Ltd.” агентлиги томонидан “B” даражаси тақдим этилган. Бундан ташқари, мазкур банкка сўнгги бир неча йил давомида “Ахбор-Рейтинг” миллий рейтинг агентлиги томонидан “Барқарор” прогнози билан “ЎЗА+” рейтинг баҳоси берилиб келмоқда.

Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, шунингдек Ўзбекистон Марказий банкнинг йиллик ҳисоботлари асосида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жорий кўрсаткичлари динамикасини умумлаштириш асосида молиявий-иқтисодий хавфсизликнинг йиғма (жамланган) индексини аниқлаш таклиф қилинмоқда. Ушбу индекс бутун банк соҳаси фаолиятига таъсир кўрсатадиган ташқи таъсир ва ташқи таъсирларни тавсифловчи макро-молиявий барқарорлик кўрсаткичларини (2-жадвал,  $K_1-K_5$ ) ва банк тизимининг ишлаш режимини тавсифловчи давлат банк тизимининг барқарорлик кўрсаткичларини (3-жадвал,  $K_{M1}-K_{M5}$ ) бирлаштиради.

2-жадвал.

### Ўзбекистон Республикаси молиявий-иқтисодий хавфсизлик индикаторлари\*

Индикаторлар	Чекланган меъёрий қийматлар		Йиллар бўйича амалдаги кўрсаткичлар/улушли параметрлар					
			2016		2017		2018	
Давлат қарзларининг ЯИМга нисбати даражаси ( $K_1$ )	Дефицитли бюджет	15% - 1	18%	0,85	30%	0,4		
		20% - 0,7						
		30% - 0,4						
		40% - 0,1						
	Профицитли бюджет	20% - 1					31%	0,7
		30% - 0,7						
		40% - 0,5						
		50% - 0,3						
		60% - 0,1						
Давлатнинг ташқи қарзларининг умумий қарзлардаги улуши ( $K_2$ )		$\geq 100 - 1$	109%	1	49%	0,3	34%	0,3
		80-99 - 0,8						
		50-80 - 0,5						
		30-50 - 0,3						
Ялпи ташқи қарзнинг олтин валюта захираларига		$\leq 100\% - 1$	28%	1	31%	1	45%	1
		100-120% -0,8						

нисбати (К3)	120-140% -0,6						
	140-160% -0,4						
	160-180%-0,2						
Давлат иктисодиётининг монетизация даражасининг ЯИМ га нисбати, К4	80-100% - 1	21,54%	0,4	24,20%	0,4	20,55%	0,4
	60-80 - 0,9						
	30-60 - 0,7						
	10-30 - 0,4						
Давлатнинг олтин валюта захиралари билан таъминланганлик даражаси К5	100% - 1	583%	1	545%	1	370%	1
	80% - 0,8						
	60% - 0,6						
	40% - 0,4						
Давлатнинг банк тизимда капиталнинг етарлилик даражаси, Км1	≥12% - 1	10,68%	0,5	12,41%	1	12,44%	1
	≤12% - 0,5						
Банкларнинг ялпи активларининг давлатнинг ЯИМига нисбати, Км2	80-100% - 1	34,67%	0,3	55,08	0,5	52,62	0,5
	60-80% - 0,8						
	40-60% - 0,5						
	10-40% - 0,3						
Хорижий валютада олинган мажбуриятларнинг банк тизимининг ялпи капиталига нисбати, Км3	≤20% - 1	71%	0,4	130%	0,4	139%	0,4
	20-25% - 0,8						
	25-30% - 0,6						
	≥30% - 0,4						
Кредитларнинг банк тизими активларининг умумий ҳажмидаги улуши, Км4	≥45% - 1	63%	1	66%	1	78%	1
	≤45% - 0,5						
Банк тизимининг ташқи қарзининг банк тизимининг ялпи қарзларига нисбати, Км5	≤30% - 1	26%	1	35%	0,5	29%	1
	≥30% - 0,5						
Банк тизимининг кредит портфели тузилиши, Км6	≤30% - 1	8%	1	4%	1	3%	1
	≥30% - 0,5						
Банк тизимининг депозит портфел тузилиши, Км7	≤30% - 1	98%	0,5	75%	0,5	55%	0,5
	≥30% - 0,5						

\*Муаллиф томонидан ҳисобланган

3-жадвал.

### 2016-2018 йй. учун Ўзбекистон Республикасининг макро/микро молиявий барқарорлиги индикаторлари

2016	$K_{macro}=0,85(K1)+1(K2)+1(K3)+0,4(K4)+1(K5)=4,25$ $K_{micro}=0,5(Km1)+0,3(Km2)+0,4(Km3)+1(Km4)+1(Km5)+1(Km6)+0,5(Km7)=4,7$ Бу ҳолда келтирилган индекс қуйидаги қийматга эга бўлади: $\Sigma I_b=0,6*4,25+0,4*4,7=2,55+1,88=4,43$
2017	$K_{macro}=0,4+0,3+1+0,4+1+1=4,1$ $K_{micro}=1+0,5+0,4+1+0,5+1+0,5=4,9$ Ушбу ҳолда келтирилган индекс қуйидаги қийматга эга бўлади: $\Sigma I_b=0,6*4,1+0,4*4,9=2,46+1,96=4,42$
2018	$K_{macro}=0,7+0,3+1+0,4+1=3,4$ $K_{micro}=1+0,5+0,4+1+1+1+0,5=5,4$ Ушбу ҳолда келтирилган индекс қуйидаги қийматга эга бўлади: $\Sigma I_b=0,6*3,4+0,4*5,4=2,04+2,16=4,2$

\*Муаллиф томонидан ҳисобланган

Индекснинг умумий динамикаси(3-жадвал) шуни кўрсатадики, умуман олганда, Ўзбекистон молия тизимининг аҳволи жуда муҳим эмас, лекин баъзи бир сифат кўрсаткичларига эътибор қаратиш лозим, чунки сўнгги йилларда индекс пасайиш тенденциясига эга. Ижобий томони шундаки, биринчи навбатда, мамлакатнинг олтин-валюта захиралари барча зарур эҳтиёжларни тўлиқ қоплайди - миллий валюта нуктаи назаридан улар ҳозирги вақтда миллий ЯИМ ҳажми билан таққосланмоқда, бу тавсия этилган қийматлардан анча юқори. Иккинчидан, давлатнинг ташқи кредитларининг умумий ҳажми нисбатан паст ва ЯИМнинг 1/3 қисмидан ошмайди. Пандемия шароитида ўсиш тенденцияси кузатилаётган бўлса-да, аммо ҳалигача критик даражага эришилмаган. Аммо, шу билан бирга давлат қарзларини молиялаштириш тузилмасида номутаносиблик мавжуд. Қарзнинг асосини ташқи кредитлар ташкил этган бўлиб, бу бюджет бекарорлиги riskини оширади. Таклиф этилаётган услубиёт хорижий капиталнинг банк активларида иштирок этишининг оптимал даражасини аниқлаш имконини берди ва Ўзбекистоннинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга асос бўлди.


**“Жаҳон иқтисодий алоқаларига интеграциялашув даврида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини барқарор ривожлантириш стратегияси”** деб номланган тўртинчи бобда стратегик режалаштириш методологиясига ва илгари баён этилган миллий манфаатларни ҳимоя қилиш механизмларига таяниб, 2017-2020 йилларда молиявий-иқтисодий ислохотларнинг натижаларини умумлаштириб иқтисодий хавфсизликни баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблашга қаратилган бўлиб мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг истикболли йўналишларини белгилайди.

2017-2021 йилларда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида эришилган ва кўпайтирилган миллий иқтисодиётнинг активлари “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси”ни ишлаб чиқиш учун шарт-шароитларни яратди, бу мамлакатимизнинг ўрта даромадли давлатларнинг юқори даражасига кўтарилишига замин яратади. Концепцияда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таҳдид ва хавфлар туғдирувчи бир қатор омиллар, хусусан: жаҳон бозорларидаги рақобатнинг кучайиши, технологик базанинг қоқоқлиги, экспорт асосан хомашёга қаратилганлиги, ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг юқорилиги; ишсизликнинг ижтимоий хавфлари, инсон капитали сифати; молия ва банк тизимининг ривожланмаганлиги билан боғлиқ институционал хатарлар кўриб чиқилган. Шунингдек, тадқиқот ишида муаллиф томонидан Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида иқтисодий хавфсизликка таъсир қилувчи riskлар таснифланган ва тизимлаштирилган. Иқтисодий хавфсизликнинг асосий мақсадини аниқлаш ва унга эришиш учун тавсия этилган умумий стратегик схема учта ўзаро боғлиқ босқичларни назарда тутди (2-расм).

Молия ва саноат тармоқларидаги ташқи таъсирлар Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлиги учун асосий хавф ва таҳдид ҳисобланиб, биринчи



навбатда улар сирасига миллий банклар трансформациясининг ва саноат-технологик базанинг самарадорлигини оширишни таъминлашда зарур бўлган узоқ муддатли молиявий ресурсларнинг тақчиллиги киради. Бу соҳада эришилган энг муҳим натижалар валюта бозорининг либераллаштирилиши, банк тизимига замонавий инструментларни жорий этилиши, инфляция хатарларнинг камайиши, пул-кредит сиёсатини оптималлаштирилиши, иқтисодиётда давлат иштирокини камайиши, капитал бозорининг ривожланиши ва халқаро захираларнинг ўсишидан иборат бўлди.



2-расм. Миллий иқтисодий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш схемаси

Шу билан бирга, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган асосий кўрсаткичлар қуйидагилардир: инвестицияларни жалб қилиш ва инновацияларни жорий қилишнинг мураккаблиги, яширин иқтисодиёт, экспортнинг диверсификация даражасининг пастлиги, ташқи кредитларнинг ошиши, давлат ташқи қарзининг ошиб кетиши ҳисобланади. Аммо таъкидлаш жоизки, ушбу кўрсаткич бугунги кунда ХВФ ва бошқа ХМТлар томонидан ўрта даражада деб баҳоланмоқда. Ушбу ҳолатга коронавирус глобал пандемияси ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. 2020 йилда мамлакат ЯИМ ўсиш суръатлари +1,5-2 фоизгача пасайиши кутилмоқда. Бу бошқа мамлакатлар учун прогнозларга нисбатан анча яхши кўрсаткич. Мисол учун, Россия иқтисодиётига етказилган зарар ЯИМнинг 5-7 фоиз ташкил қилиши мумкин. Катта эҳтимол билан Ўзбекистон иқтисодиёти нисбатан кам йўқотишларга дуч келади ва тезроқ тикланибгина қолмай, балки иқтисодий ўсишни тезлаштириш имкониятларини сақлаб қолиши мумкин.

Иқтисодий хавфсизликка хавф ва таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларнинг оқибатларини прогноз қилиш Ўзбекистон иқтисодий кўрсаткичлари мониторинги (иқтисодиётнинг ҳақиқий ҳолатини керакли кўрсаткич билан

тизимли таққослаш) ёрдамида амалга оширилади. Хавфсизликнинг энг юқори даражасига индикаторларнинг бутун мажмуасида чегара қийматлари рухсат этилган чегараларда бўлса ва битта индикаторнинг чегара қийматлари бошқа индикаторларга нисбатан салбий таъсир ўтказмайдиган вазиятда эришилади.

Миллий иқтисодий хавфсизликни баҳолашнинг мавжуд усуллари ва омилларини таҳлил қилиш натижаларига кўра, диссертация ишида иқтисодий хавфсизликни комплекс баҳолаш учун турли услубий ёндашувларни бирлаштириш таклифи шакллантирилди. Турли мамлакатлар, хусусан Россия ва Ўзбекистонни қиёсий таҳлилни ўтказиш учун иқтисодий хавфсизликнинг барча кўрсаткичлари Харрингтон шкаласига мувофиқ ягона ўлчов бўйича баҳолашни керак [0, 1]. Амалий фойдаланиш қулайлиги учун муаллиф барча кўрсаткичлар оралиғини таржима қилган [0; 1] фоиз шкаласига [0; 100], кўрсаткичнинг ижобий чегара қийматлари [0,8; 1] оралиғида, манфийлари эса [0,0; 0.8]. Иқтисодий хавфсизликнинг қуйидаги кўрсаткичлари таклиф этилади:

1. Иқтисодий хавфсизликка асосий таҳдидларнинг намоён бўлиш эҳтимолини баҳолаш асосида ҳисобланган миллий иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичи ( $\mathcal{E}_1$ ).

$$\mathcal{E}_1 = (N_1 / M_1) 100, \%,$$

бунда  $N_1$ - таҳликалар сони, улар учун  $i$  -таҳликанинг миллий иқтисодий хавфсизлигига таҳдидни баҳолаш қиймати танқидий эмас деб ҳисобланиши мумкин, яъни  $P_i$  мумкин бўлган чегара қийматлари қаторига киритилган  $P^A_i$ .  $M_1$  - таҳдидларнинг умумий сони.

2. Иқтисодий хавфсизлик ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар асосида ҳисобланган ва миллий иқтисодиётни стратегик режалаштиришнинг меъёрий ҳужжатларида белгиланган миллий иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичи ( $\mathcal{E}_2$ )

$$\mathcal{E}_2 = (N_2/M_2) 100, \%,$$

бунда  $N_2$  -  $i$ -кўрсаткичларнинг сони, бунга кўра миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳолатини тавсифловчи  $P_i$  қийматлари  $P^A_i$  интервалларига киритилади, бунда  $u$  миллий иқтисодий хавфсизликнинг мақбул ижобий даражасига эришиши мумкин.  $M_2$  - бу кўрсаткичларнинг умумий сони.

3. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида ялпи ички маҳсулотнинг қабул қилиниши мумкин бўлмаган даражада пасайиши кўрсаткичлари асосида ҳисобланган иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичи ( $\mathcal{E}_3$ ). Кўрсаткич таркибий сектор мувозанатининг бузилишини кўрсатади.

$$\mathcal{E}_3 = (N_3 / M_3) 100, \%,$$

бунда  $N_3$  - ўзгаришни (ўсишни, пасайишни) тавсифловчи  $k$ -инчи асосий саноатнинг  $D^k_{kt}$  -йилги  $D^{t-1}_k$  учун ўтган йилги улушга нисбати нисбати сони.  $M_3$  - бу миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқлари сони.

4. Миллий хавфсизлик таркибий қисмларига этказилган иқтисодий зарарнинг ҳаддан ташқари ўсишини баҳолаш асосида ҳисоблаб чиқилган иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичи ( $\mathcal{E}_4$ ):

$$\mathcal{E}_4 = (N_4/ M_4) 100, \%$$

бунда  $N_4$  - бу миллий иқтисодий хавфсизлик таркибий қисмларининг сони, унга кўра иқтисодий зарарнинг ҳисобот йилидаги ўсиш қиймати ўтган йилга

нисбатан миллий хавфсизликнинг  $i$  -компоненти (% билан) унинг ўзига хос таркибий қисми учун миллий хавфсизликни таъминлаш эҳтимоли юқори бўлган шароитларни тавсифловчи чегара қийматидан кам.  $M_4$  - бу миллий хавфсизликнинг таркибий қисмлари сони.

5. Ижтимоий сўров асосида ҳисобланган миллий иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичи ( $\Theta_5$ ):

$$\Theta_5 = (N_5 / M_5) 100, \%$$

бунда  $N_5$  - қониқарли ва юқори даражадаги иқтисодий хавфсизлик мавжудлигини кўрсатган респондентлар сони;  $M_5$  - респондентларнинг умумий сони. Ушбу кўрсаткичлар ва уларнинг ўртача балини ҳисоблаш асосида Россия ва Ўзбекистон миллий иқтисодий хавфсизлигини қиёсий таҳлили ўтказилди, бу шуни кўрсатдики, иқтисодий хавфсизликка асосий таҳдидларни ( $\Theta_1$ ) амалга ошириш эҳтимолини баҳолаш бўйича Россия Ўзбекистондан 8,3 %га олдинда; иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида ( $\Theta_3$ ) ялпи ички маҳсулотнинг қабул қилиниши мумкин бўлмаган кескин пасайиш баҳосига кўра 8,4 %; миллий хавфсизликнинг таркибий қисмлари бўйича иқтисодий зарарни баҳолаш бўйича ( $\Theta_4$ ) 7,15%. Иқтисодий хавфсизлик ҳолати кўрсаткичларини ( $\Theta_2$ ) 2,5 %га баҳолаш бўйича, ижтимоий тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўзбекистон Россиядан ( $\Theta_5$ ) 4,16 % олдинда. 2017-2018 йилларда иқтисодий хавфсизликни ўртача баҳолаш динамикаси таҳлили Россиянинг ўртача рейтинги 4,91 %га, Ўзбекистон эса 3,57 %га ўсганлигини кўрсатди.

Таклиф этилаётган усуллар бир неча йиллар давомида кўрсаткичларни таққослаш асосида Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигини бошқа мамлакатлар билан қиёсий таҳлил қилиш имконини беради. Ундан ташқари, мазкур кўрсаткичлардан бошқа жадал ривожланаётган мамлакатлар ҳам халқаро интеграциялашув шароитида ўз миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фойдаланиши мумкин. Тадқиқот ишида шунингдек иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятларининг батафсил SWOT таҳлили келтирилган (4-жадвал).

4-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлиги SWOT таҳлили

Асосий параметрлар	(О) Имкониятлар (экологик омиллар, улардан фойдаланиш афзалликларни яратади)	(Т) Таҳдидлар (вазиятни ёмонлаштирадиган омиллар)
Асосий параметрлар	Иқтисодиётнинг асосий маҳсулотларига ташқи контрагентлардан барқарор талаб (пахта, ипак, табиий газ, олтин). Мавжуд юқори инвестицион салоҳият.	Қўшни мамлакатда минтақавий можаролар. Валюта тизимида хорижий валюталарининг устунлиги. Салбий ташқи савдо баланси. Ишсизлар ва камбағалларнинг ўсиши.
(S) Қучли томонлари (рақобатдаги устунликлар)	Имкониятларни қандай қўллаш лозим?	Хатарларни ниманинг ҳисобига камайтириш мумкин?

<p>Табийи ресурс салоҳияти. Олтин-валюта захиралари. Аҳоли (потенциал катта ҳажмли бозор). Жўғрофий жиҳатдан Марказий Осиёнинг транспорт узели.</p>	<p>Маҳсулот экспортини кенгайтириш, янги савдо бозорларини излаш. Хом ашёни қайта ишлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва маҳсулотларни сотиш учун янги бозорларни излаш.</p>	<p>Ўзаро алоқаларни кенгайтириш: Марказий Осиё, Россия ва бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ва МДХ, ЕОИИ, ШҲТ ва бошқа кўп қиррали томонлар. Импорт ўрнини босиш бўйича оқилона маҳаллийлаштириш сиёсати. Миллий пул-кредит тизимининг ривожланиши. Транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш.</p>
<p><b>(W) Заиф томонлар (рақобатчиларга нисбатан)</b></p>	<p><b>Имкониятлардан тўла фойдаланишда нима ҳалақит бериши мумкин?</b></p>	<p><b>Энг катта хатарлар</b></p>
<p>Иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши (қишлоқ хўжалигининг 33%). Кам таъминланган аҳоли улушининг юқорилиги. Инсон капитали сифати. Инвестицион фаолликнинг пастлиги. Сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар.</p>	<p>Худудий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти ва мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарадорликнинг пастлиги. Узоқ муддатли инвестиция ресурсларининг етишмаслиги.</p>	<p>Саноатни модернизациялаш ва иқтисодиётнинг мавжуд тармоқ тузилишини аниқлашдаги қийинчиликлар. Ташқи бозорларга киришдаги турли хил тўсиқлар туфайли экспортга нисбатан чекловлар.</p>

SWOT таҳлилининг бир қисми сифатида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий хавфсизлик ва қўшни давлатлар билан ҳамкорлик талабларини ҳисобга олган ҳолда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни яратиш унинг қийматини ошириш учун юқори қийматга эга саноатни ривожлантиришни назарда тутди. Биринчидан, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларни яратиш ёки модернизация қилиш муҳим молиявий ресурслар ёки технологиялар мавжудлигини талаб қилади. Иккинчидан, янги ташкил этилган ёки модернизация қилинган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар барқарор ва юқори ички ва ташқи талабга эга бўлиши керак. Учинчидан, шунга мувофиқ юқори малакага эга бўлган бўш меҳнат ресурслари бўлиши керак.

Диссертацияда баён этилган истикболли йўналишлар Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ўрта ва узоқ муддатли стратегиялаш имконини беради. Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлигининг SWOT таҳлили қўшни давлатлар билан ҳамкорлик доирасида Марказий Осиё, ЕОИИ ва МДХ худудиди интеграцион масалаларни амалга оширишга ижобий ҳисса қўшиши, шунингдек, Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг дунёнинг энг ривожланган 50 та мамлакат каторидан жой олишига хизмат қилиши мумкин

## ХУЛОСА

Диссертация ишида ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар тақдим этилди:

1. Миллий иқтисодий хавфсизлиги тўғрисидаги хорижий ва миллий олимларнинг илмий қарашларини танқидий баҳолаган “миллий иқтисодий хавфсизлик”, “молиявий ва иқтисодий хавфсизлик” ва “иқтисодий хавфсизлик императивлари” тушунчалари моҳиятини эътиборга олган ҳолда муаллиф ёндашувига кўра назарий-услубий жиҳатдан “иқтисодий хавфсизлик”ни иқтисодиётнинг умумий ҳолати позициясидан эмас, балки хавф ва таҳдидларни таснифлаш нуқтаи назаридан баҳолаш мақсадга мувофиқ.

2. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, унинг жаҳон иқтисодиёти субъектлари билан алоқалари, ташқи иқтисодий ва ташқи савдо фаолияти, шунингдек, молия-банк сектори бўйича тизимли таҳлиллар шуни кўрсатдики, Ўзбекистон ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада макроиқтисодий “хавфсизлик чегараси”га эриша олди, ташқи қарзларни жалб қилиш ва фойдаланишнинг чегаравий қийматлари олинган маблағлар ҳисобига миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни таъминлай олди, хорижий инвестициялар самарадорлигини ошириш имкониятини амалга ошира олди.

3. Миллий иқтисодий хавфсизликнинг методологик-услубий асосларини эҳтимолий хатарларни олдиндан аниқлаш ва ташқи қарз кўламини асослашни қуйидагилар асосида такомиллаштириш фаолият самарадорлигини янада ошириш ва прогноз кўрсаткичларининг асосланиш даражасини янада ошириш имконини беради: иқтисодий хавфсизлик таҳдидлари эҳтимолини эксперт баҳолаш; стратегик режалаштириш натижаларини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан қиёсий баҳолаш; ЯИМ таркибий қисмлари ва тармоқлари улушининг пасайишини олдини олиш; миллий хавфсизликнинг таркибий қисмлари бўйича иқтисодий зарарни ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш.

4. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича миллий банк тизимини халқаро капитал бозорига интеграциялашнинг камчиликларни бартараф этиш, банк интеграцияси шароитида иқтисодий хавфсизлик даражасини ошириш ҳамда банк секторининг иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қўшган ҳиссасини баҳолаш методикасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этилиши банк секторини банкларнинг умумий активларида хорижий капитал иштирокининг мақбул даражасини ва мамлакатдаги йирик банкларнинг халқаро фаолиятини кенгайтириш самарадорлигини асослаб бериш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

5. Тадқиқотда таклиф этилган макроиқтисодий ва микромолиявий барқарорликни тавсифловчи кўрсаткичлар тизимининг ўзаро таъсирини баҳолашга асосланган молиявий-иқтисодий хавфсизликнинг йиғма (жамланма) индексини қўллаш Ўзбекистон ва Россия Федерацияси учун молиявий-иқтисодий хавфсизлик композит индексининг ўзига хос параметрларини аниқлаш ҳамда миллий иқтисодий хавфсизликни ва трансформация жараёнидаги бошқа мамлакатлар ҳолатини объектив қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

**6.** Халқаро интеграцион жараёнлар ва ўзаро ҳамкорлик шароитида иқтисодий ҳаавфсизликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини трансформацияси жараёнидаги давлатлар томонидан қўллаш ўз навбатида қисқа вақт ичида ташқи дунёдан ёпиқ бўлган мамлакатдан очик иқтисодиётга эга бўлган ривожланган давлатлардан бирига айланиш, маъмурий тўсиқлар ва чекловлар даражаси юқори бўлган моделдан давлат ва бозор усулларининг мақбул комбинациясига асосланган замонавий иқтисодиёт моделига ўтиш учун ўтиш даврида трансформация жараёнларида ижобий қўллаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УНИВЕРСИТЕТЕ  
МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ МИД РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**  
**ИНСТИТУТ ПРОБЛЕМ РЫНКА РОССИЙСКОЙ АКАДЕМИИ НАУК И  
УНИВЕРСИТЕТ МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ДИПЛОМАТИИ**

**ЗИЯДУЛЛАЕВ УЛУГБЕК САИДКАРИМОВИЧ**

**ИМПЕРАТИВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ  
БЕЗОПАСНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПРИ ИНТЕГРАЦИИ В  
МИРОВОЙ РЫНОК КАПИТАЛА**

**08.00.09 – Мировая экономика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ  
ДИССЕРТАЦИИ (DSc) ПО ЭКОНОМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.1.DSc/1qt287.**

Докторская диссертация выполнена в Университете мировой экономики и дипломатии МИД Республики Узбекистан и Институте проблем рынка Российской Академии наук.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-сайте Научного совета ([www.uwed.uz](http://www.uwed.uz)) и на Информационно-научном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный консультант:**

**Исламов Бахтиёр Анварович**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Гринберг Руслан Семёнович**  
член-корреспондент РАН,  
доктор экономических наук, профессор

**Расулов Тулкин Саттарович**  
доктор экономических наук, профессор

**Шарифходжаев Шавкат Окилович**  
доктор экономических наук

**Ведущая организация:**

**Московская школа экономики  
МГУ имени М.В. Ломоносова**

Защита диссертации состоится «\_»\_\_\_2021 года в \_\_\_\_\_: на заседании Научного совета DSc. 11/30.12.2019.Tar/Yu/I/S/24.01 по присуждению ученых степеней при Университете мировой экономики и дипломатии (Адрес: 100192, г. Ташкент, ул. Мустакиллик, 54. Тел.: (+998 71) 267-67-69; e-mail: rektorat@uwed.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Университета мировой экономики и дипломатии (регистрационный №\_\_\_). Адрес: 100192, г. Ташкент, ул. Мустакиллик, 54. Тел.: (+998 71) 267-67-69; e-mail: rektorat@uwed.uz.

Автореферат диссертации разослан «\_»\_\_\_2020 года (протокол реестра № от «\_»\_2020 г.).

**И.А. Хамедов**

Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.ю.н., профессор

**О.А. Юсупджанов**

Секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, к.ю.н.

**А.А. Исаджанов**

Председатель научного семинара при Научном совете по  
присуждению ученых степеней, д.э.н., доцент



## I. ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА РАБОТЫ

**Актуальность и востребованность темы исследования.** В контексте углубляющейся глобализации и развития цифровой экономики в мире стабильность и экономическая безопасность национальных экономик, обеспечение безопасного уровня внешнего долга приобретает все большее значение. Как показывает опыт зарубежных государств, проблемы национальных экономик с внешней задолженностью имеют серьезные негативные последствия для национальной экономической безопасности. В этой связи для стран, переживающих ускоренные социально-экономические трансформационные процессы, весьма актуальным является вопрос обеспечения целенаправленной экономической политики в сферах взаимовыгодного сотрудничества с внешним миром, защиты национальной экономики от рисков и угроз.

По всему миру проводятся обширные исследования для обеспечения безопасности национальных экономик в процессе интеграции в целевые рынки капитала. Приоритетные направления данных исследований охватывают такие области как: совершенствование теоретико-методологической базы оценки экономической безопасности в процессе трансформации с учетом национальной специфики, опережающее формирование институциональных механизмов обеспечения экономической безопасности с учётом возможных угроз, активизацию сотрудничества с глобальными и региональными кредиторами, международными финансовыми институтами, укрепление безопасности и определение пороговых значений внешних заимствований, разработка сценариев многофакторного прогноза развития смешанных экономик.

В процессе построения нового Узбекистана особое внимание уделяется таким фундаментальным вопросам, как: развитие конкурентоспособной экономики, обеспечение национальной экономической безопасности, предотвращение рисков безопасности посредством надлежащего управления и за счёт трансформации банковского сектора, повышения его эффективности, увеличения капитальной, ресурсной базы и рентабельности банков путём продажи их государственных активов стратегическим инвесторам, а также эффективного использования зарубежных кредитов. При этом, «...в настоящее время в соответствии с критериями Всемирного банка и Международного валютного фонда государственный внешний долг Узбекистана находится на безопасном уровне. Отныне проекты, реализуемые в регионах за счет внешних заимствований, будут обсуждаться местными Кенгашами и общественностью. Будет создана система отчетности перед общественностью о результатах таких проектов. Также сократятся внешние заимствования под гарантию государства, а в инвестиционные и инфраструктурные проекты будет привлекаться больше частного капитала»<sup>8</sup>.

В связи с этим, в условиях ускоренного вхождения страны в мировую финансовую систему, важно проводить масштабные исследования,

---

<sup>8</sup> Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 29 декабря 2020 г.  
URL: [https://www.norma.uz/nashi\\_obzori/poslanie-2020](https://www.norma.uz/nashi_obzori/poslanie-2020)

направленные на совершенствование теоретической и методологической основы экономической безопасности для успешной трансформации банков и эффективного управления государственным долгом при интеграции в глобальные и региональные рынки капитала.

Данное диссертационное исследование в определенной степени будет служить реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан УП–4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, а также постановлениях Президента Республики Узбекистан №№ ПП–3439 «О мерах по дальнейшему повышению эффективности сотрудничества с международными и зарубежными финансовыми институтами» от 20 декабря 2017 года, ПП–3796 «О мерах по совершенствованию механизма управления инвестиционными проектами с участием международных финансовых институтов и стран-доноров» от 21 июня 2018 года, а также ПП–3857 «О мерах по повышению эффективности подготовки и реализации проектов с участием международных финансовых институтов и иностранных правительственных финансовых организаций» от 16 июля 2018 г.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и техники Узбекистана I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных работ по теме диссертации.** Научные исследования, посвящённые теоретическим и методологическим основам анализа национальной экономической безопасности проводятся во многих ведущих научно-исследовательских центрах, университетах и институтах мира, в том числе в Гарвардском институте международного развития (Harvard Institute of International Development) Гарвардского университета, Корпорации РЭНД (RAND Corporation) США, Оксфордском университете (Oxford University) и Лондонской школе экономики (London School of Economics) Великобритания, Объединённом Венском Институте экономического развития Международного валютного фонда и Всемирного банка (IMF and WB), Научно-исследовательском институте Организации экономического сотрудничества и развития (OECD), Институтах экономических исследований университетов Киото (Kyoto) и Хитоцубаши (Hitotsubashi), Институте развивающихся стран (Institute of Developing Economies) Японии, Институте развития, Республика Корея (Republic of Korea), Российском институте стратегических исследований (РИСИ) при Президенте России, Институте экономики (ИЭ), Институте проблем рынка (ИПР), Институте мировой экономики и международных отношений (ИМЭМО) Российской академии наук, Московской школе экономики (МШЭ) МГУ, МГИМО (У), Российском университете Дружбы народов (РУДН)<sup>9</sup>.

---

<sup>9</sup> The Economic Dimensions of National Security | RANDwww.rand.org › pubs › monograph\_reports  
<https://www.hiid.hks.harvard.edu/centers/cid> URL: <https://fortune.com/global500/2019/search/?hqcountry=U.S>.  
<https://ndupress.ndu.edu/Portals/68/Documents/Books/economic-security.pdf> [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk)  
<https://www.lse.ac.uk/economics> <https://www.jvi.org/russian.html> <http://www.ier.hit-u.ac.jp/> [34](https://www.icam-</a></p></div><div data-bbox=)

На основе исследования императивов экономической безопасности в процессе интеграции в мировой рынок капитала были получены следующие научные результаты: индикаторы определения влияния финансовой стабильности на экономическое развитие (Гарвардский институт международного развития); усовершенствована методология учёта воздействия рисков и угроз на экономическую безопасность (Оксфордский университет и Лондонская школа экономики); разработана методика определения влияния банковского сектора на национальную экономическую безопасность (Международный валютный фонд; Всемирный Банк) обоснована система показателей для определения факторов, влияющих на экономическую безопасность, включая методологию расчета показателей национальной финансово-экономической безопасности, осуществлена расчетно-экспериментальная реализация разработанных методик, в том числе сводного (агрегированного) индекса финансово-экономической безопасности, а также эконометрический анализ индикаторов оценки национальной экономической безопасности для Узбекистана и России (ИПР РАН); разработан комплекс условий и факторов, обеспечивающих независимость и стабильность национальной экономики (РИСИ при Президенте Российской Федерации).

В настоящее время особое внимание уделяется изучению проблем императивов национальной экономической безопасности в процессе обеспечения экономической безопасности и интеграции в мировой рынок капитала. Исследования ведутся в этой области, в том числе по следующим приоритетным направлениям: обеспечение совместимости национальной и общей системы безопасности в условиях глобализации и цифровой экономики; совершенствование системы критериев и показателей экономической безопасности и интеграции в мировой рынок капитала с учетом современных тенденций развития мировой экономики; разработка методологии комплексной оценки защиты интересов граждан, бизнеса и государства от внутренних и внешних угроз; разработка предложений и рекомендаций по минимизации воздействия угроз на финансовый и экономический потенциал.

**Степень изученности проблемы.** Теоретико-концептуальные проблемы национальной экономической безопасности применительно к развивающимся странам исследовались в трудах таких зарубежных ученых как И. Ансофф, П. Бьюкенен, З. Бжезинский, И. Валлерстайн, В. Квинт, Д. Нортон, Т. Парсонс, М. Портер, К. Омэ, У. Ростоу, Дж. Сакс, П. Самуэльсон, Дж. Стиглиц, А.Томпсон, А. Чандлер и др.<sup>10</sup> Весомый вклад в разработку теоретических основ обеспечения

---

[i2cam.org/ier-kyoto](http://i2cam.org/ier-kyoto) <https://www.ide.go.jp/> <https://kdischool.ac.kr/#/www#top> <https://riss.ru/> <https://inecon.org/> <http://www.ipr-ras.ru/> <https://www.imemo.ru/> <https://www.msu.ru/info/struct/dep/mse.html> <http://www.rudn.ru/> <http://>

<sup>10</sup> Ансофф И. Стратегическое управление - М.,1989; Brzezinsky Zb. *The Grand Chessboard: American Primacy and Its Geostrategic Imperatives* - Международные отношения, 2010; Глобализация и национальные финансовые системы / Под ред. Дж.А. Хансона, П. Хонохана, Дж. Маджони — «Весь мир», 2005; Квинт В.Л. Теория и практика стратегирования – Ташкент, Тасвир, 2018; Норт Д., Дж. Уоллис, С. Уэбб, Б. Вайнгагст. В тени насилия: уроки для обществ с ограниченным доступом к политической и экономической деятельности - М., ВШЭ, 2012; Омэ К. Мир без границ //Мировая экономика и международные отношения, 1998, № 1; Самуэльсон П. Э., Нордхаус В. Д. Экономика - Вильямс, 2000; Сорос Дж. Кризис мирового капитализма. Открытое общество в опасности - ИНФРА-М, 1999; Стиглиц Дж. Глобализация: тревожные тенденции - Мысль, 2003; Arrighi G. *The long twentieth century: money, power and the origins of our times*. London: Verso, 1994; Aizenman J., Chinn M., Ito H. Assessing the Emerging Global Financial Architecture: Measuring the Trilemma's Configuration over Time // NBER

экономической безопасности и интеграции стран СНГ в мировой рынок капитала внесли российские учёные Л.И. Абалкин, О.Т. Богомолов, Н.Я. Петраков, С.Ю. Глазьев, А.Д. Некипелов, В.М. Полтерович, Р.С. Гринберг, В.А. Цветков,<sup>11</sup> а также И.В. Андропова, С.А. Афонцев, Л.Б. Вардомский, С.П. Глинкина, М.Ю. Головин, А.Е. Городецкий, В.К. Сенчагов, А.Н. Спартак, А.С. Тулулов и др.<sup>12</sup> Большую помощь автору оказали труды Института проблем рынка Российской академии наук, в частности, 6-томное издание «Модернизация и экономическая безопасность России (М., 2010-2017 гг.).

